

90-боб. Ходимга адаб бериш



11:00 / 03.07.2020 2935

Язид ибн Абдуллоҳ ибн Қусайтдан ривоят қилинади:

«Абдуллоҳ ибн Умар ўзининг бир ғуломини тилла ёки кумуш билан бир жойга юборди. Ғулом эса уни алмаштирди. Алмаштиргани учун кеч қолди. Шунда уни дарра билан қаттиқ калтаклади ва: «Ўзимнинг нарсамни олиб кел! Уни алмаштирма!» деди».

Шарҳ: Ходим буйруқни бажармай, беодоблик қилган, ўзбошимчалик билан тиллани саррофга бериб, бошқа нарса олиб келган, шунинг учун Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу уни дарра билан урган эканлар.

Шу каби тарбия бериш орқали ходимларни одобга, омонатдорликка ва ихлосга ўргатиш лозим. Акс ҳолда улар беодоб ва хоин бўлиб қолишлари ҳеч гап эмас.

Абу Масъуддан ривоят қилинади:

«Ғуломимни ураётган эдим. Ортимдан: «Эй Абу Масъуд, билгинки, Аллоҳ таоло сенга сенинг унга бўлган қудратингдан кўра қодирроқдир», деган овозни эшитдим. Ўгирилиб қарасам, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам эканлар. Мен:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Аллоҳнинг розилиги учун уни озод қилдим», дедим.

«Агар шундай қилмаганингда, сени дўзах тутар эди» ёки «сени дўзах куйдирар эди», дедилар».

Шарҳ: Бу ерда ғуломни одобдан ташқари, беҳуда ва зулм ила жазолаш, уриш дўзахга сабаб бўладиган улкан гуноҳлардан экани баён қилинмоқда.

Шунинг учун Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Абу Масъуд розияллоҳу анҳуни «Сен ғуломингни ура олганинг каби, Аллоҳ таолонинг ҳам сени уриши бор» деган маънода огоҳлантирганлар. Абу Масъуд розияллоҳу анҳу қўрққанларидан уриб турган қулларини озод қилиб юборганларида эса, «Шундай қилмаганингда, дўзахга тушар эдинг», деган маънодаги гапни айтган эканлар.

Ўз қарамоғидаги киши ким бўлишидан қатъи назар, хўжайиннинг уни беҳуда уришга ҳаққи йўқ. Агар бу ишни қиладиган бўлса, бу дунёда жазодан қутулиб қолса ҳам, охирада албатта ундан ўч олиниши бор.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Қул ва ходимни уриш мумкин эмаслиги.
2. Улуғ одамлар бировни ураётганларни кўрса, тўхтатишлари зарурлиги.
3. Одамларни ноҳақ урганлар дўзахий бўлиши.

«Одоблар хазинаси» китобидан